

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**363** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

10 декабрдаги ПҚ–1875-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек магистратурада тайёрланадиган кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш, магистратурага илмий фаолият юритиш қобилиятига эга бўлган ва чет тилларни чуқур биладиган абитуриентларни қабул қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 10 июль,  
199-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 10 июлдаги 199-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига 1-иловада:

а) 5.2.1-бандда:

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмалари ва уқувларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва хулосани тайёрлаши;

илмий ижод методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, конунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усулларига, шунингдек нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши»;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий уқув ва кўникмаларни таъминлаши керак»;

б) 6.2-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«хорижий тиллардан бирида илмий-тадқиқот ишлари моҳиятини тушуниш»;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошидаги «аспирантурада» сўзи «катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7.2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7.2. Магистратура

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланиши керак. Кундузи ўқиш шакли учун аудитория машғулоти ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафта-ни ташкил этиши зарур.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим — 25 — 30%;

аттестация — 4 — 7%;

таътилар — 13 — 16%;

илмий фаолият — 50%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг яқка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш — 70 — 75%;

илмий-педагогик иш ва малака амалиёти — 25 — 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар — 30 — 35%;

мутахассислик фанлари — 40 — 50%;

танлов фанлари — 13 — 15% .

Магистратура ўқув режасининг намунаси 2-жадвалда келтирилган»;

г) 2-жадвалнинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«

Намуна

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазири

ЎҚУВ РЕЖАСИ  
Мутахассислик: 5A140202 —  
Физика (йўналишлар бўйича)

Академик даража —  
МАГИСТР  
Ўқиш муддати — 2 йил  
Ўқиш шакли — кундузги

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў.

I. Ўқув жараёни жадвали

Босқич	Ҳафталар																																																				Ўқув жараёни (ҳафталарда)																		
	Сентябрь				Октябрь				Ноябрь				Декабрь				Январь				Февраль				Март				Апрель				Май				Июнь				Июль				Август				назарий таълим ва илмий фаолият	аттестациялар	таътиллар	ҳаммаси																			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47	48					49	50	51	52															
I																																																																40	2	10	52				
II																																																																				39	3	6	48
<b>Жами</b>																																																				<b>79</b>	<b>5</b>	<b>16</b>	<b>100</b>																

Назарий таълим ва илмий фаолият

Д

Диссертация ҳимоя қилиш ва давлат аттестацияси

Т

Таътиллар

М

Малака амалиёти

А

Аттестациялар

## II. Ўқув режаси

T/p	Ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи	Талабанинг ўқув юкламаси (соатларда)								Соатларни семестр ва хафталар бўйича тақсимлаш				
		юкламанинг умумий меҳнат сарфи ҳажми		аудитория машғулоти (соатларда)					курс иши	муста- қил иш	1-босқич 2-босқич			
		соат	%	ҳам- маси	маъру- залар	амалий машғу- лотлар	лабора- тория машғу- лотлари	семи- нарла р			семестрлардаги хафталар			
									21	21	21	21		
1.00	Умумметодологик фанлар	574	35,6	296	106	160		30		278	8	4	2	
1.01	Илмий-тадқиқот методологияси	100		60	30	30				40	X			
1.02	Фанларнинг фалсафий масалалари	80		40	20	20				40	X			
1.03	Педагогик технология ва педагогик маҳорат	80		40	20			20		40		X		
1.04	Амалий хорижий тил	160		80		80				80	X	X		
1.05	Ахборот технологиялари	100		40	20	20				60	X			
1.06	Нутқ маданияти	54		36	16	10		10		18			X	
2.00	Мутахассислик фанлари	1040	64,4	400	200	200		20		640	4	6	12	
2.01	Назарий физиканинг маҳсуе бўлимлари	100		40	20			20		60	X			
2.02	Қаттиқ жисм физикаси	100		40	20	20				60	X			
2.03	Микроэлектроника ва электрон технология- ларнинг физик асослари	100		40	20	20				60		X		
2.04	Физик жараёнларни моделлаштириш	100		40	20	20				60		X		
2.05	Лазер физикасининг замонавий муаммолари	120		40	20	20				80			X	
2.06	Лазер технологиялар	120		40	20	20				80		X		
2.07	Лазерни электроника соҳасида қўллаш	120		40	20	20				80			X	
2.08	Юқори қувватли лазерлар физикаси	120		40	20	20				80			X	
2.09	Танлов фанлари	160		80	20	60				80			X	
	Ҳаммаси	1614	100	696	286	360		50		918	10	10	14	
3.00	Илмий фаолият	2750								2750	24	26	22	36
3.01	Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссерта- циясини тайёрлаш	1550								1550	12	14	12	30
3.02	Илмий-педагогик иш ва малака амалиёти	1200		360		360				840	14	12	10	6
	Жами	4364		1056	286	720		50		3308	36	36	36	36

## ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ:

1. Фанлар (ёки фан) бўйича давлат аттестацияси
2. Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш

Изоҳ:

1. Ушбу ўқув режаси асосида олий таълим муассасаси қўлланма ўқув режасини ишлаб чиқади. Бунда олий таълим муассасасига ҳафталик юкла-  
мани ўзгартиришсиз сақлаб қолган ҳолда соатлар ҳажмини фанлар блоклари  
учун 5% доирасида, блокка кирувчи фанлар учун эса — 10% доирасида  
ўзгартириш ҳуқуқи берилди.

2. Маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

3. Фанлар (фан) бўйича давлат аттестациясига қадар ҳар бир фан бўйича 6 соат ҳажмида маслаҳатлар берилади.

4. Талаба билимларини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизими бўйича ўтказилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Магистратурага кириш синовии умумий баллари қуйидагилардан ташкил топади:

магистратурага киришда танлаган мутахассислик бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 100 баллгачани ташкил этади);

чет тили (хорижий филология, хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари базасидаги мутахассисликлар учун иккинчи чет тили) бўйича синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 50 баллгачани ташкил этади); демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича синов ўтказилади (баҳолаш мезони 0 баллдан 50 баллгачани ташкил этади).

Олий таълим муассасаси битирувчисининг умумий рейтинги ёки ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равишда 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда ифодаланади) аниқланади.

Халқаро (TOEFL бўйича камида 58 ёки IELTS бўйича камида 5 балл) сертификат тақдим этганларга чет тилидан 50 балл қўйилади ва улар чет тилидан кириш синовиди иштирок этмайди.

Магистратурага ўқишга киришда энг кўп (максимал) тўпланиши мумкин бўлган балл — 300 ни ташкил этади»;

б) 15-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«чет тили (хорижий филология, хорижий тил ва адабиёти таълим йўналишлари базасидаги мутахассисликлар учун иккинчи чет тили)»;

в) 16-бандга:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Танланган мутахассислик бўйича махсус фанлардан синов учун белгиланган баллнинг 30 — 50 фоизи абитуриентнинг мутахассислик бўйича ижодий қобилиятини, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш бўйича билимини аниқлашга ажратилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 25-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Магистратурага ҳар бир кириш синовии учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл тўплаганлар навбатдаги кириш синовига киритилмайди ҳамда магистратурага қабул қилинмайди».